

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси,
Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш
вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг
2019 йил " ____ " _____ даги
- сонли қўшма қарорига илова

Стажёр-тадқиқотчилар институти тўғрисида НИЗОМ

1- Умумий қондалар

1. Ушбу Низом стажер-тадқиқотчилар институтида таҳсил олишни ташкил этиш ва ўқиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

олий ўқув юртидан кейинги таълим – жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури;

стажёр-тадқиқотчилик институти – олий таълим муассасалари ёки илмий-тадқиқот муассасаларида (кейинги ўринларда ОТМ ёки ИТМ) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда илмий-тадқиқот услубларини эгаллаш, тажриба ўтказиш техникасини ўзлаштириш ҳамда мутахассислик бўйича энг янги ютуқларни ўргатувчи олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки йиллик тайёрлов босқичи;

стажёр-тадқиқотчилар – ОТМ ёки ИТМга белгиланган тартибда стажёр-тадқиқотчиликка қабул қилинган шахс.

3. Стажер-тадқиқотчилар институти олий ўқув юртидан кейинги таълим институти мавжуд бўлган олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этилади.

4. Стажер-тадқиқотчилар институтига қабул қилинаётган номзод магистрлик ёки мутахассислик дастурлари бўйича олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиши лозим.

2 - боб. Олий таълимдан кейинги таълимга тайёрлов босқичини стажер-тадқиқотчи шаклида ташкил этиш

5. Тасарруфида ОТМ ёки ИТМ бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳар йили 1 августгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш заруриятидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобига тайёрлов босқичига квота ажратиш масаласида асосланган таклифлар билан мурожаат қилади.

6. Вазирлик, идора ва ташкилотлар бўйича қабул квотаси Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан

тасдикланади ва ҳар йили 1 октябрдан кечикмасдан тегишли равишда тасарруфида ОТМ ва ИТМ бўлган вазирлик, идора ва ташкилотларга юборилади.

7. Вазирлик, идора ва ташкилотлар идоравий мансуб ОТМ ва ИТМ бўйича эҳтиёждан келиб чиқиб квотани тақсимлайди.

8. Вазирлик, идора ва ташкилотлар тасдиқланган квотани тасарруфидаги ОТМ ва ИТМларга ҳар йили 1 ноябргача етказдилад.

9. Хужжатлар стажёр-тадқиқотчиликка номзодлардан ОТМ ва ИТМ қабул комиссияси томонидан ҳар йили 5 ноябрдан - 5 декабргача бўлган даврда қабул қилинади.

10. ОТМ ва ИТМларда ректор (директор) раислигида қабул комиссияси тузилади. Қабул комиссияси аъзолари ректор (директор) томонидан ихтисослик бўйича етакчи олим ва мутахассислар орасидан тайинланади.

11. Стажёр-тадқиқотчиликка номзодлар ОТМ ёки ИТМга қуйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётганлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси ёхуд олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, уларнинг нусхалари;

12. Стажёр-тадқиқотчиликка номзодлар ОТМ ёки ИТМнинг қабул комиссияси томонидан ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтадилар.

13. Стажёр-тадқиқотчиликка қабул учун суҳбат ҳар йили 10-15 декабрь даврида ўтказилади.

14. Стажёр-тадқиқотчиликка кирувчи талабгорларнинг суҳбат натижаларидан ва ажратилган қабул квотасидан келиб чиқиб, қабул комиссияси томонидан 20 декабргача бўлган муддатда қарор қабул қилинади.

15. Стажёр-тадқиқотчиликка қабул қилиш ОТМ ректори ёки ИТМ директори буйруғи билан ҳар йили 25 декабргача бўлган муддатда амалга оширилиб, тайёрлов босқичи кейинги йилнинг 1 январидан бошланади.

16. Тайёрлов босқичига қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда стажёр-тадқиқотчининг ихтисослиги бўйича ОТМ кафедраси ёки ИТМ тегишли лабораторияси (бўлим)га бириктирилиши белгиланади.

17. Стажёр-тадқиқотчилар ОТМ кафедраси ёки ИТМ лаборатория (бўлим) илмий-тадқиқот режалари бўйича иш олиб борадилар.

18. Стажёр-тадқиқотчи ҳар ярим йилда бириктирилган ОТМ кафедраси, ИТМ лабораторияси (бўлим)да тасдиқланган шахсий режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот беради, йил якунида аттестациядан ўтказилиб, аттестация натижаларига кўра кейинги босқичга ўтказилади.

Аттестация комиссияси ОТМнинг илмий ва инновацион ишлар бўйича проректори ёки ИТМ илмий ишлар бўйича директори ўринбосари раҳбарлигида етакчи олимлардан иборат бўлиши лозим.

19. Тайёрлов босқичига қабул қилинган санадан бошлаб стажер-тадқиқотчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сонли "Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ стажер-тадқиқотчининг ойлик маоши тўланади.

20. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги стажер-тадқиқотчиликка қабул қилиш бўйича тасдиқланган квоталарни ҳисобга олган ҳолда тайёрланган харажатлар сметасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни харажатлар параметрларида белгиланган тартибда ОТМ учун "Таълим" соҳаси бўйича ва ИТМ учун "Фан" соҳаси бўйича зарур маблағлар ажратишни назарда тутди.

21. Стажер-тадқиқотчиларга тайёрлов босқичи даврида 24 иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади.

22. Тегинли ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда стажер-тадқиқотчилик муддати ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, болаларни парвариш қилиш учун академик таътил бериш ҳисобида узайтирилиши мумкин.

23. Стажер-тадқиқотчиларга ОТМ ёки ИТМ илмий ходимлари учун амалдаги қонунларда белгиланган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар тааллуқлидир.

24. Тайёрлов босқичи даври умумий меҳнат стажига қўшилади.

25. Йил якуни бўйича аттестациядан муваффақиятли ўтган стажер-тадқиқотчиларга ташкилот Илмий кенгашидан тавсиянома берилиб, таянч докторантурага киришда амалдаги қонунчилик асосида имтиёзлар берилади.

26. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни тугатганлар, шунингдек стажер-тадқиқотчиликни ўтган шахслар стажер-тадқиқотчи институтига иккинчи марта қабул қилинмайди.

3 - боб. Якуний қондалар

27. Шахсий режаларини бажармаган ва аттестациядан ўтмаган шахслар стажер-тадқиқотчиликдан четлатилади ва стажер-тадқиқотчи институтига қайта қабул қилинмайди.

28. ОТМ ёки ИТМ ички тартиб-қондаларини бузганлиги учун ўқишдан четлатилган шахслар қайта тикланиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.